

Туркистонда хозиргача маълум бир йўлга қўйилмагон чаток ишлардан бири вакф ишларидир. Инкилобдан бери вакф ишлари учун юзларча комиссиялар тузилди. Турлук лойихалар ясалди. Лекин кутилган бир натижа чикмади.

Кейинги вақтларда вакфларни халқ қўлига бериш сиёсати майдонга чикди. Бунинг учун ТурЦИК томонидан бир лойиха тузилуб, кози ва мударрислар курултойидан ҳам ўтказилди. Самарканд, Фаргона областларида вакф шўролари тузилиб ишга ҳам киришилди. Сирдарё областида ҳам мундан бир ой муқаддам турлук ташкилотлар тарафидан вакф шўроси учун вакиллар сайланиб тегишлик ўрунларга топширилди. Эски шаҳар ижрокўмида сайлов қарорномалари ойлаб ётгондан сўнгра тасдиқ қилинуб, музофот ижрокўмига топширилганлиги эшитиладир. Хар холда у ерда ҳам ёта-ёта зериккач, ундан ҳам тасдиқ қилиниб, Сирдарёмизда ҳам вакф шўроси ишга киришса керак.

Вакф шўролари ишга киришган билангина кутилган натижа чиқарми, йўқми? Унисини қелгуси қўрсатур. Ёлгуз хозиргача вакф ишларини бу тариқа чаток холда қолдируб қелган туб сабабларнинг энг қаттаси вакфларни сарф ва бошқариш тўғрисидаги фикрларнинг турлуклигидир. Бир-бирисига тамом тесқари бўлгон бу фикрлар бирлашмаган тақдирда вакф ишлари тагин қувалур. Хар қим хар томонга қараб тортар. Уришилур, сўқишилур. Натижада, тақрор воқифларнинг тоғ қаби мадрасалар бино қилишдан ва улардаги ўқувчи ва ўқитгувчиларнинг таъминоти учун қолдиргон миллион-ларча вакфларидан қутқан мақсади муқаддасалари шу қоғача бўлуб қелганидақ поймол бўлур. Бунқалиқ вакфлар, бунқалиқ мадрасалардан халқнинг маориф ва маданияти номига фойдаланиш мумкин бўлмас.

Бошқа мутараққий ислом мамлақатларда қўбдан буни тушуниб, бу тўғридаги ихтилофи афқорни ора-дан қўтарганлар. Вакф ишларини маълум бир йўлга қўйиб маориф бюджетининг буюқ бир қисмини вакф-дан таъмин этқанлар.

Биз ҳам вакфлардан маориф йўлида қерағича истифода қилмок, воқифларнинг руҳларини шодлантирмок бўлсақ, аввало, бу тўғридаги ихтилофларни бир ёғлик қилуб, фикрларни бирлашдиришимиз қерақдур. Вакф ишлари тўғрисида инкилобдан бери бошлұча тўртфикр рул ўйнаб қелди:

- 1-хасадчилар;
- 2-тафритчилар;
- 3-ифротчилар;
- 4-мўътадиллар фикри.

Хадисчилар қимлар? Маълумки, Туркистон вакфлари мусулмонлар тарафидан дин, маориф ва маданиятлари учун тахсис этилиб қолдирилгон хос ва қолис сармояи миллияларидир. Бошқа миллатлар қаторида умумий маориф сармоясидан фойдаланиш устига, ўзларининг ушбу миллий сармояларини ҳам яхши бир йўлга қўя олсалар, эҳтимолки, тез қўтарилиб (таракқий қилуб), ўзларини мустамлақачилар қуллугидан қутқарсалар, ерлик халқнинг доимо жаҳолатда қолуб қул бўлуб туришларини истаган мустамлақачилар, албатта, буни қўралмайдилар. Хасад қилурлар. Шунинг учун қайси йўл бўлса-бўлсун, вакфларни ё бутунлай ҳазинага олмок ва ё ҳеч бир яхши йўлга қиришга

йўл бермасдан, хамиша чаток бир холда колдириш ҳаракатида бўлурлар. Вакф ишлари дуруст бир йўлга кира бошладими, даррав бир чаток чиқариб ишни бузадирлар. Бу жинойтни тўғридан-тўғри ўзлари қилмасдан, ерликлардан бир неча алдангон ёки сотилгон «кишилар» топиб, улар воситаси билан ишлайдилар-да, лабларини ялаб: «Ерлик ишчиларнинг ўзлари ундай истайдилар», деб кўзларини лўқ қилуб қараб тура берадилар. Жуда бўлмогон такдирда, отини «Шарк сиёсати» қўйиб, вакфларни подшоҳ замонасидек бутун муллоларни ўз ихтиёрларига қолдириш фикрини қувватлайдилар. Бундан мақсадлари эса, бир оз вақт шундай қолдириб, замони келганда: «Қачонгача муллолар вакфни ўринсиз еб ётадилар, буни хазинага олмоқ керак», деган бир фикрни қувватлаб ўтқаришдир. Мана бу фиркани биз ҳасадчилар, мустамлақачилар, ерлик халқ қўтарилишини истамагувчилар деб таъбир этамиз. Инкилобдан бери вакф ишлари шул фирканинг ҳабис фикрига қурбон бўлуб келди. Кейинги, урЦИК лойиҳаси ила шояд бу фирканинг фикрига ҳитом берилган бўлур, деб умидланамиз.

Тафритчилар қимлар? 19 нчи асрнинг бошларидан то Русия инкилобигача бўлгон бир муддатда Туркистон мадрасаларининг тарихини ва бунда бўлгон таълим-тадрис йўлларини, вакфларда бўлгон суъиистеъ-молларни ва етишдирган шогирдларини бир даража назардан кечирилса, қўнғлида андак миллий ва диний ҳисси бўлгон ҳар кишининг қўзидан беихтиёр ёш оқадир. Бу ҳусусда ҳозиргача қўб ёзидди, сўзланди, гақроқ тафсиллаб ўлтиришни лузуми йўқ. Фақат шунигина айтиш мумкинки, сўнғ асрларда қўб мадрасаларимиз диний ва дунёвий илмлардан тамом тозаланиб, ҳолис ишсизлар етқуза турган бир танбалхона ҳолига келган эди. Ўтканда Бу-Али, Форобий, Тафтазоний каби ҳақимлар ва олимлар етишдирган Туркистон мадрасалари кейинги қунларда тузукроқ бир мударрис ёҳуд имом ҳам етишдира олмайтургон бир ҳолга тушган эди. Ҳозирда мавжуд баъзи дурустроқ мударрис ва имомларимиз эрса, мадрасаларнинг тартиблиги соясида эмас, мадрасаларнинг тартиб ва қонуни ҳорижида ўзларининг қилгон ҳусусий ташаббус ва ғайратлари орқасидагина, фавқуллодда зақолари соясидагина етишқандирлар.

Вакф тўғрисида шундай бир фикр борки, вакфларни илғаригидек ҳар бир мадрасанинг ўзига бериб ва ҳар бир мадрасага икки-уч мударрис белғулаб, уларнинг шогирдлари бўлсун-бўлмасун, мадраса вакфини баҳузур еб ётишларига йўл берилсун эмиш. Шундай бўлгон такдирда, тадрижан шогирд ҳам йигилар эмиш ҳамда воқифнинг шартига ва шариятга мувофиқ бўлар эмиш. Қисқаси, Ниқалай қамонида мадрасалар ва вакфлар қандай идора қилингон бўлса ва нималар ўқутулгон бўлса, ҳозирда ҳам шундай бўлсун эмиш. Ислоҳи масаллоҳдан ҳеч бир оғиз очилмасун эмиш.

Бу фикрнинг бошида турғувчилар ҳар қимга маълум. Биз буларни тафритчилар ва анфасачилар, қамондан ҳабарсиз, халқни қоронғуда қолдирғувчилар деймиз.

Ҳасадчилар ила тафритчилар баъзи моддаларда бирлашиб ҳам қетарлар. Фақат ҳасадчилар билиб ва тафритчилар алданиб бирлашурлар.

Ифротчилар қимлар? Ҳасадчиларнинг сиёсати ҳабисасига тушунган ва тафритчиларнинг жаҳолат таассубидан қуйганлардан учунчи бир фикр қелиб қикадиқки, булар «Қўй, бу мадрасаларингдан ва бу муллоларингдан ҳеч бир умид йўқ. Модомики, вакфлар ўз ихтиёримизга берилди, халқ назарига бир неча мадрасаларни лиқиллатиб қўяйлик-да, вакф бадаллари ила бир неча ибтидоий мактабларни тарбия

килайлик, бизнинг хаётимиз ва нажотимиз шул мактабларга богликдир. Эскини хар канча ямасангда — эски. Эскини ямаб овора бўлуб ўтиргандан кўра, бутун ташлаб, янгисининг харакатида бўлгон яхши» дейдилар. Биз буларни ифротчилар, узокни кўра олмагувчилар, янги килиб бераман деб ухдасидан чиколмай, халкни эскидан хам махрум этиб, ялон-гоч колдиргувчилар, деб таъбир этамиз.

Мўътадиллар кимлар? — Бу ҳақда келар сонда. (*навбатдаги сони чикмаган, журнал чикишдан тўхтатилган* .)

Мунаввар Кори

«Ҳакикат» журнали, 1922 йил, 2-сон, 13—15-бетлар.

И з о х л а р:

Вакф — масжид, мадрасалар таъминоти учун белгилаб қўйилган даромадли ер, дўкон, сарой, тегирмон ва хоказо молмулклар,

ТурЦИК — Туркестанский Центральный Исполнительный Комитет (Туркистон Марказий Ижроия Кўмитаси), собик Шўролар даврида Туркистон Автоном Республикасининг юкори ижро муассасаси.

Мударрис — мадрасада дарс ўтувчи.

Вокиф — вакф эгаси.

Мутараккий — тараккий этган, ривожланган.

Истифода килмок — фойдаланмок.

Ихтилоф — карама-каршилиқ, келишмовчилик.

Тахсис — махсус.

Сармояи миллия — миллий бойлик.

Фирка — гуруҳ.

Ифротчилар — чегарадан оширувчилар, бирор нарсага хаддан ташкари ҳолатда бўлувчилар.

Мўътадиллар — ўртача йўлни тутувчилар, меъёрида иш олиб боровчилар.

Хабис — ёмон, ярамас, ифлос.

Хитом — якун, охир, тугалланиш.

Нашрга тайёрловчи ва изохлар муаллифи: Бойбўта Дўстқораев.